

**ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
СЕКТОРИНИНГ
НИЗОМИ**

1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу сектор ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Иқтидорли ёшларни излаш, аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлаш тўғрисида Низоми» ва буйруқлари, ҳукумат қарорлари, йўриқномалари, ТошДТУ Қўқон филиали директорининг буйруқлари ҳамда ушбу Низом асосида олиб боради.

1.2. Мазкур сектор филиал тузилмавий қисми бўлиб, илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосарига бўйсунди ва сектор бошлиғи томонидан бошқарилади.

1.3. Секторнинг ижроия органи бўлиб, факультетда илмий ишлар бўйича декан ўринбосарлари, кафедраларда маъсул шахс ҳамда кафедраларда фаолият олиб бораётган илмий тўғараклар раҳбарлари ҳисобланади.

1.4. Сектор ўз таркибига кирадиган иқтидорли талабалар фаолиятини йўналтиради, мувофиқлаштиради ва бошқаради.

2. Секторнинг асосий фаолияти ва вазифалари

2.1. Иқтидорли талабаларни аниқлаш, йўналишига мувофиқ мақсадли тайёрлашни ташкил этиш ҳамда улар фаолиятини ривожлантиришнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш;

2.2. Талабалар илмий жамияти фаолиятини ташкиллаштириш ва ривожлантириш;

2.3. Иқтидорли ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини даврий равишда аниқлаб бориш;

2.4. Иқтидорли ёшларни илмий-тадқиқот ишлари ҳамда кафедраларда фаолият олиб бораётган тўғаракларда доимий иштирокини таъминлаш;

2.5. Филиалда ўтказиладиган умум таълим ва мутахассислик фанлари бўйича талабалар Республика фан олимпиадасининг биринчи ҳамда якуний босқичларини сифатли ўтказилишини ташкил этиш;

2.6. Иқтидорли ёшларни халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий-амалий анжуман, семинар, симпозиумлар ва фан олимпиадаларида доимий иштирокини таъминлаш;

2.7. Иқтидорли талабаларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси ва давлат стипендияларига, иқтидорли ёшлар фаолиятини кўллаб-қувватловчи турли хил давлат, чет эл грантларига тавсия қилиш ҳамда иштирокини таъминлаш;

2.8. Хорижий таълим муассасалари ва илмий марказларида иқтидорли талабаларни таълим олишига тавсиялар бериш;

2.9. Кафедраларда профессор-ўқитувчилар томонидан куннинг иккинчи ярмида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш;

2.10. Ўзлаштириши юқори бўлган ҳамда илмий-тадқиқот ишларида фаол иштирок этаётган иқтидорли ёшларни рағбатлантириш;

2.11. Филиалда Ёшларнинг инновацион техник мактаби ҳамда илмий тўғараклар фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш;

2.12. Ҳар йили бакалавр талабалари учун «Энг яхши малакавий битирув иши» ва магистратура босқичи талабалари учун «Энг яхши магистрлик диссертацияси» кўрик-

танловларига иқтидорли ёшларни кенг жалб этиш;

2.14. Иқтидорли ёшларга илмий-тадқиқот ишларининг натижалари бўйича ЭҲМ учун дастурий маҳсулотларни, ихтиро учун патент ҳужжатларини расмийлаштиришда амалий кўмаклашиш вазифалари юклатилади.

3. Секторнинг ҳуқуқлари

3.1. Сектор ҳуқуқларини сектор бошлиғи, агар у бўлмаса унинг кўрсатмаси билан сектор муҳандиси амалга оширади.

3.2. Филиал факультет ва кафедраларидан иқтидорли ёшлар фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни ҳамда уларнинг бажарилиши бўйича маълумотларни талаб этади.

3.3. Сектор фаолиятига оид масалалар юзасидан факультет ва кафедраларда текширувлар ўтказиш.

3.4. Кафедралардаги мавжуд тўғарақлар фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиш ҳуқуқига эга.

4. Секторнинг мажбуриятлари

4.1. Иқтидорли ёшлар фаолияти юзасидан ўрнатилган шакллардаги ҳисоботларни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига белгиланган муддатларда тақдим этиш.

4.2. Иқтидорли ёшлар фаолияти бўйича филиал Кенгашида ҳисобот бериш.

4.3. Сектор фаолияти бўйича филиал раҳбариятига тезкор ахборот ва маълумотларни тақдим этиш.

4.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари, Вазирлик буйруқлари ва йўриқномаларининг ижросини муддатида таъминлаш.

4.5. Сектор фаолиятини сифатли ташкил этиш мақсадида қуйидаги ҳужжатлар йиғма жилдини юритиш:

- Иқтидорли ёшлар билан ишлаш сектор Низоми;
- Иқтидорли ёшлар билан ишлаш секторининг йиллик иш режаси;
- Олий таълимга тегишли Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Вазирлик буйруқлари нусхалари;
- Филиал директори буйруқлари нусхаси;
- Факультет ва кафедралар бўйича иқтидорли ёшлар рўйхати;
- Иқтидорли ёшларга берилган тавсиялар ва унга илова ҳужжатлар ҳамда фотосуратлар;
- Ёшлар илмий анжуманлари, семинарлари, олимпиада ва танловлар ўтказилишига оид ҳужжатлар;
- Сектор ҳисоботлари;
- Филиал иқтидорли ёшларнинг шахсий варақалари.

1. ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ СЕКТОРИНИНГ ШТАТ БЎЙИЧА ТАРКИБИ:

Сектор бошлиғи	– 1 киши;
Сектор услубчиси	– 1 киши;

2. СЕКТОР ХОДИМЛАРИНИНГ ЛАВОЗИМ ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Сектор бошлиғи

- 2.1.1. Секторнинг барча фаолияти ва ходимларини умумий бошқариш;
- 2.1.2. Секторнинг иш режаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлаш;
- 2.1.3. Ўзбекистон Республикасининг таълимга оид Қонунлари, Президент Фармонлари, Фармойишлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Хайъат Қарорлари, буйруқлари йўриқ хат, модемограмма ва телефонограммаларини, шунингдек, директор буйруқларининг факультет, кафедралар, бўлимларда бажарилишини таъминлаш ва мониторингини олиб бориш;
- 2.1.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар мазмунини талабаларга етказиб бориш;
- 2.1.5. Иқтидорли талабаларни аниқлаш, йўналишига мувофиқ мақсадли тайёрлашни ташкил этиш ҳамда улар фаолиятини ривожлантиришнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш.
- 2.1.6. Талабалар илмий жамияти фаолиятини ташкиллаштириш ва ривожлантириш.
- 2.1.7. Иқтидорли ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини даврий равишда аниқлаб бориш.
- 2.1.8. Иқтидорли ёшларни илмий-тадқиқот ишлари ҳамда кафедралар қошида ташкил этилган тўғаракларда доимий иштирокини таъминлаш.
- 2.1.9. Филиалда ўтказиладиган умум таълим ва мутахассислик фанлари бўйича талабалар Республика фан олимпиадасининг биринчи ҳамда якуний босқичларини сифатли ўтказилишини ташкил этиш.
- 2.1.10. Иқтидорли ёшларни халқаро ва республика миқёсда ўтказиладиган илмий-амалий анжуман, семинар, симпозиумлар ва фан олимпиадаларида доимий иштирокини таъминлаш.
- 2.1.11. Иқтидорли талабаларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси ва номли давлат стипендияларига, иқтидорли ёшлар фаолиятини қўллаб-қувватловчи турли хил давлат, чет эл грантларига тавсия қилиш ҳамда иштирокини таъминлаш.
- 2.1.12. Хорижий таълим муассасалари ва илмий марказларида иқтидорли талабаларни таълим олишига тавсиялар бериш.
- 2.1.13. Кафедраларда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларида иқтидорли ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш.
- 2.1.14. Ўзлаштириши юқори бўлган ҳамда илмий-тадқиқот ишларида фаол иштирок этаётган иқтидорли ёшларни рағбатлантириш.
- 2.1.15. Филиалда ёшларнинг инновацион техник мактаби ҳамда илмий фан тўғараклар фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш.
- 2.1.16. Ҳар йили бакалавр талабалари учун «Энг яхши инновацион ғоя» ва «Энг яхши малакавий битирув иши» кўрик-танловларига иқтидорли ёшларни кенг жалб этиш.
- 2.1.17. Иқтидорли ёшларга илмий-тадқиқот ишларининг натижалари бўйича ЭҲМ учун дастурий маҳсулотларни, ихтиро учун патент ҳужжатларини расмийлаштиришда амалий кўмаклашиш.

Билиши керак:

- Бўлим фаолиятига тегишли Низом, йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатларни, филиал ички тартиб-қоидалари, меъёрий ҳужжатларини билиши.

Малака талаблари:

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятларига эга бўлиши:
 - Олий техник маълумотга эга бўлиши зарур:
 - Ўз соҳасига тегишли масалалар бўйича ахборот, меъёрий ҳужжатлар ва маълумотлардан хабардор бўлиши зарур.

2.2. Сектор услубчиси

2.2.1. У ўз иш фаолиятини филиал директори буйруқлари, илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари талаблари ва сектор бошлиғи кўрсатмаларига мувофиқ амалга ошириб бориш;

2.2.2. Факультет ва кафедралардан иқтидорли ёшлар билан ишлашга доир маълумотларни қабул қилиш, уларни текшириш ҳамда маълумотлар банкини яратиб бориш;

2.2.3. Иқтидорли ёшлар салоҳиятини белгиловчи маълумотлар мониторингини ташкил қилиш;

2.2.4. Ёшларнинг илмий-амалий семинар, конференция ва симпозиумларини ўтказишга доир режаларни тузиб, унинг бажарилишини назоратга олади ҳамда материаллар тўпламини чоп этиш бўйича ташкилий масалаларни бажариб бориш.

Билиши керак:

- Ўз фаолиятига таллуқли Низом, йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатларни, филиал ички тартиб-қоидалари, меъёрий ҳужжатларини билиши.

Малака талаблари:

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятларига эга бўлиши;
 - Ўз соҳасига тегишли масалалар бўйича ахборот, меъёрий ҳужжатлар ва маълумотлардан хабардор бўлиши зарур.